



Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/> t.me/farhaqiqati



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВ ХИТОЙДА БЎЛИБ ҚАЙТДИ

"Фарғона ҳақиқати" газетасининг аввалги сонида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 18 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида айрим раҳбарлар, жумладан, Фарғона вилояти ҳокими 2022 йилда Япония ва Германияга, 2023 йилда Корея Республикаси ва Хитойга борган бўлса-да, инвестиция жалб қилиш бўйича ишлари кутилган натижа бермаётганини гапириб ўтгани ҳақида хабар берган эдик.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ташрифларда ҳокимлар миллиард-миллиард долларлик лойиҳа таклифларини хорижий ҳамкорлар билан ишлаб чиқиб, уларни дастурга киритган бўлишига қарамай, лойиҳани юргизиш масаласини ўз ҳолига ташлаб қўйган.

Йиғилишда белгиланган инвестиция, экспорт ва саноат соҳаларидаги устувор вазифалар ижроси доирасида Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров раҳбарлигидаги вилоят расмийлари ва тadbirkorлардан иборат делегация амалий ташриф билан Хитой Халқ Республикасида бўлиб қайтди.

Фарғона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати хабар қилишича, ишончли ҳамкор давлатнинг Хубэй, Гуандун, Хунань, Шэньси провинцияларида, шунингдек Шинжон-Уйғур автоном районида бўлган вилоят делегацияси аъзолари ҳудудлар маъмуриятлари ва йирик компаниялар раҳбарлари билан учрашди. Давлат ҳамда замонавий ишлаб чиқариш корхоналари расмийлари ўртасидаги ўзаро мулоқотлар самарали яқунланди ва манфаатли келишувларга эришилди.

Хитойдаги амалий музокаралар натижасида

қурилиш, машинасозлик, электротехника, энгил саноат, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, туристик объектлар ва меҳмонхоналар барпо этиш, чиқиндини қайта ишлаш каби йўналишларда умумий қиймати 2,6 миллиард АҚШ доллари бўлган 33 та инвестициявий келишув имзоланди. Бунинг 957 миллион доллари жорий йилда ўзлаштирилиши режалаштирилди.

Жумладан, пахта териш машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Shandong swan cotton industrial machinery" ҳамда "China railway construction heavy industry corporation" компаниялари раҳбарлари билан музокараларда Фарғонада пахта териш машиналарини йиғишни йўлга қўйиш ҳамда сервис марказини ташкил этиш бўйича истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди. Шунингдек, вилоят раҳбари бошчилигидаги делегация Урумчи ва Шенжен шаҳарларида ўтказилган Ўзбекистон-Хитой қўшма инвестиция форумларида иштирок этди.

Қўқонда ЯНГИТДАН АЭРОПОРТ ҚУРИЛМОҚДА



Халқимизда «Оққан дарё оқаверади», деган ҳикматли сўз бор. Қўқонликлар бугунги кунни узоқ кутдилар. Ниҳоят, ўша кун келди. Ҳозирда ҳудуддаги собиқ аэропорт ўрнида узоқ масофаларга ҳам учадиган лайнерларни қабул қила оладиган янги, замонавий аэропорт қурилиши давом этапти. Объектга барча турдаги қудратли техник воситалар ва вилоятнинг энг малакали қурувчилари жалб этилган.

– Биринчи босқичда асос мустаҳкамлиги – халқаро талабларга жавоб берадиган учини-қўниш йўлаги бунёд этилади. Лойиҳа ишлари, экспертиза хулосалари асосида унинг ҳар бир сантиметр зичлиги алоҳида назоратда. Ахир келгусида халқаро аэропорт мақоми бериш кўзланган. Бу аҳоли учун қўлай шaroит ҳамда Тошкент аэропорти "юки"ни энгиллаштирувчи восита ҳамдир.

– Ҳозирги кунда мавжуд қопламани кўчириб, йўл асосини текислаб, уни мустаҳкамлаш ишларини олиб бораемиз, – дейди Фарғона йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси иш юритувчиси Бехзод Камолиддинов. – 270 дан ортиқ техника ва 300 дан зиёд ишчи-мутахассислар меҳнат қиляпти. Учини-қўниш йўлаги узунлиги 2000, эни 45 метр. Ҳаво яхши бўлса, февраль ойдан қоплама ётқизиш ишларини бошлаймиз.

Аслида бу муҳим объект қурувчилар учун ҳам қатта синов. Улар бор маҳорат ва малакаларини ишга солиб ҳаракат қилишмоқда.

– Йўловчиларни рўйхатдан ўтказиш ва учирини залида ҳам лойиҳа асосида қурилиш олиб бориляпти, – дейди Бехзод Камолиддинов. – Учини-қўниш йўлагининг 70 фоиз ишлари яқунланди. Режамиз – февраль ойи бошларида аэродромнинг ер ишларини тугаллаш.

Ҳудудда янги терминал ҳам қад ростлаяпти. Унда йўловчиларни рўйхатдан ўтказиш, кутиб олиш, юк чиқариш каби мажбурий бўлимлардан ташқари, хизмат кўрсатишнинг бир неча турларигача бўлади.

"Туркияга кетяпман, ҳа, ўзимизнинг Қўқондан учаман", деган сўзларни эшитадиган кунлар яқин қолди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

Жамият оғриғи БАҒРИ БЎШ ОНА, АЛЛАСИЗ ГЎДАКЛАР ОҶИ

Бугунги куннинг оғриқли ҳолатларидан бири – оналар ва болалар ўлимнинг ортиб бораётганидир.



Вилоятимизда сўнгги йилларда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли тadbirkorлар амалга оширилмоқда.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш маркази, болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, Қўқон, Марғилон шаҳарлари ва Бешариқ туманида туманлараро перинатал маркази, 16 та туғуруқ муассасалари, Фарғона, Марғилон ва Қўқон шаҳарларида болалар шифохонаси, 16 та болалар бўлими аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ўтган йилда 1 000 004 нафар туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди. 395 767 нафар аёлларда турли экстрагенитал касалликлар аниқланди. Уларга амбулатор ва стационар шaroитларда даво чоралари кўрилди.

Тиббий хизмат сифатини ошириш, касалликларни эрта аниқлаш, уларнинг профилактикаси ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида 19 та кўп тармоқли марказий поликлиникалар қошида ташкил этилган «Онко назорат» хоналарида электрон база яратилиб, мунтазам равишда 30-55 ёшдаги аёлларда бачадон бўйни, 45-65 ёшдагиларда кўкрак бези саратонини аниқлаш учун скрининг текшируви ўтказиб келиняпти. Натижада 334 нафар аёлда касалликлар ўз вақтида аниқланиб, даволash муолажалари олиб борилди. Шунингдек, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишда илғор усул ва технологияларни йўлга қўйиш, туғма ҳамда ирсий касалликларни эрта перинатал ва неонатал даврда аниқлаш, болалар ўлими ва туғма ногиронликнинг олдини олиш чоралари кўрилди.

(Давоми 2-бетда).

"Садои Фарғона" газетасининг 110 йиллигига



ИЛК НАШРНИНГ ДАВР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

"Ўзбек тилининг Миллий энциклопедияси"да "Садои Фарғона" газетасига шундай таъриф берилди:

"... – жадидларнинг ижтимоий, сиёсий, адабий-бадиий газетаси. Қўқонда 1914 йил 3 апрелдан 1915 йил 26 майга қадар Ўзбек тилида нашр қилинган. 1914 йил 17 июлдан "Ферганское эхо" номи билан ҳафтада уч марта рус тилида ҳам чиққан. Газетани кўқонлик тараққиётпарвар зиёли ва тadbirkor Обиджон Махмудов (тахаллуси Обид чаток) ташкил этган. Газета хусусий босмахонада 4 саҳифада, таҳминан 500-600 нусхада чоп қилиниб, асосан қўлда тарқатилган. Таҳририят таркиби уч киши – О.Махмудов (ношир ва муҳаррир), Ашурани Зоҳирий (адабий ходим, мусаҳҳих), Усмон Нурий (рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш билан шуғулланган)дан

иборат бўлган. О.Махмудов ва А.Зоҳирий газета учун турли мавзуларда мақолалар ҳам ёзишган. "Садои Фарғона"да ўша давр ўзбек адабиёти ва публицистикасининг таниқли намояндалари – Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулхамид Сулаймонов (Чўлпон), Тулаган Хўжамёров (Тавалло), Иброҳим Даврон, Саидхамд Васлий ва бошқалар шеър ва мақолалари билан фаол ҳамкорлик қилганлар..."

Бошқа қомусларда ҳам газетата юқоридагидек таъриф берилди. "Садои Фарғона" газетаси ilk сонлариданоқ халқ маърифатпарвар қатламнинг сеvimли газетаси ва муҳокама минбарига айланди. У Туркистон жадидларининг таълимни ислох этиш гоёсини бош масала сифатида ўз олдига қўйди ва янги усулдаги жадид мактабларини тарғиб этди.

(Давоми 2-бетда).

«КУСТО ОРОЛИ»ДА 10 КУН



(Саргузашт-воқеий қисса)

Муҳаммад ОБИДОВ

– Унда нима гап Сарвар, имзоласангиз-чи шартномани. – Дўстим таажубда эди.

– Сар, мени маъзур тутинг, бир илтимосим бор. 157 даража шарқий узунликда бир орол бор. Машхур сайёҳ ва олим Кусто у ҳақида ёзган, лекин ўзи бора олмаган. У Шри-Ланкадан чамаси 218 мил жанубда. Мен ҳамма нарсага тайёрман. Сизнинг нашингизга албатта шартномада айтилган мақоаларни ёзиб берман. Лекин менга ёрдам беринг. Бир неча кун бўлса-да, шу оролга борсам дегандим. У ердан ғаройиб саргузашт ҳикоялар олиб келаман ва уни Сизнинг нашингизга эълон қилиш ҳуқуқини тасдиқлайман.

Бу кутилмаган ҳолатдан бош муҳаррир ва дўстим Нарим Нанг хайратга тушдилар.

– Нима-нима, қанақа орол ҳақида гапиряпсиз? Ахир келишувда бундай гап йўқ эди-ку!

– Ҳа, бу ҳақда келишмаганмиз. Аммо, сар, илтимос, ўзини сўрайман

(Давоми. Боши аввалги сонларда).

сиздан, бу менинг оламшумул орзуим. Ва фақат Сизгина у амалга ошишига ёрдам бера оласиз, – дедим ёлвориб. – Йўқ деманг, сар, мана кўрасиз бу репортажлар чоп этилган журнал нусхаларини таллашиб сотиб оладилар. Мен бунга ишонман.

– Нарим Нанг, дўстим, мени қўлла, мен биронта репортаж учун қалам ҳақи ҳам олмайман, менга бориб келишимга кўмак бўлса ба!

Бош муҳаррирнинг асаблари таранглашганди. Тушунаман, у оролга бориб келиш махсус тайёргарлик, маблағ билан боғлиқ. Қолаверса, ҳали у ердан нима ёзиб кела оламан – бу ёғи ҳам қоронғу.

– Бу қанақаси, Нарим Нанг?! – Бош муҳаррир қолган гапларни ҳинд тилида ачық ва зарда аралаш айтди. Улар хона четига бориб олишди. Абхишек Перера бир-икки қур овозини кўтарди ҳам. Лекин Нарим Нанг ҳимояланаётгандек эди. Кейин у қаергадир кўнғироқ қилди. Дастлаб ўзи, сўнг гўшаки бош муҳаррир олиб гаплашдилар. Мен игнада ўтиргандек гоҳ унисига, гоҳ бунисига термадилар. Гарчи бир сўзни тушунмасам-да, негандир кўнғилмади илиқлик сездим. Уми-

дим кўз очгандек бўлди. Ким билан кўнғироқлашди? Бу розилик аломатими? Нимани сўради? Қандай жавоб бўлди? Хуллас, иккиси яна жойларига ўтиришди.

– Ҳозирча сизга ҳеч нарса ваъда қилмайман, – деди яна инглиз тилида бош муҳаррир. – Аммо шундай орол ҳақида бундан олти ой муқаддам мамлакат Фанлар академияси аъзоси, география жамияти раиси жаноб Рави Бандарнинг суҳбатини эълон қилгандик. Ушанда улар бу оролга вақти-вақти билан бориб туришларини айтишган. Мен жаноб Рави Бандара билан гаплашдим, сиз Нарим Нанг билан ҳозир оролни ҳузурига борасиз. Масалани кейин муҳокама қиламиз.

– Ташаккур, раҳмат, – деб юборибман ўзбекча ҳурсанд бўлганимдан. Нарим Нанг дарҳол таржима қилди. Бош муҳаррир бош силкиб қўйди, холос.

– Нега менга бу ҳақида Шри-Ланкага келиб айтмадинг? – Ҳамкасбим ўринли хафа бўлди мендан. Мен нотўғри иш қилиб қўйганимни сезсам ҳам баҳона изладим.

– Ўзинг иш ҳақида эртага гаплашамиз, дединг-ку?

БУ ХОНАДОНГА ДУО ОЛГАНИ КЕЛИШАДИ



Ёзёнов тумани маркази яқинидаги Беруний маҳалласида бир файзли хонадон бор. Бу ерга келиб-кетувчиларнинг оёғи узилмайди. Водий вилоятлари ва ҳатто узоқ шаҳар-туманлардан дуо олгани келишади одамлар.

Табаррук хонадонда Муҳаммад Асилхон тўра дада Исаев истикомат қилади. У ҳақида ҳикоя қилишдан аввал падари бузуқворни Суярохон тўра дада ҳақида фикр билдирдик.

Суярохон тўра Ёзёнов туманидаги Хонобод қишлоғида яшаб ўтган. Унинг ёшлик чоғиданоқ илм ўрганишга муҳаббатни юқори бўлган. Шу боис, Марғилондаги «Хонақоҳ» масжиди имом-хатиби Мушаррафхон Охунд Муҳитдинхон Эшон ўғли, тасаввуф олими Мукаррамхон тўра – «Хонбува», ҳозик табиб Абдулазиз Хондада каби ўз даврининг маърифатли, етук алломаларидан таълим олган, туркий тил (эски ўзбек тили), араб тили, Куръон тафсири, ҳадис илми, фиқҳ, тасаввуф ва тиб илмларини пухта ўрганган.

Кундузлари томорқасида ҳамда «Қатортол» жамоа хўжалигининг Сарсонқум массивида деҳқончилик қилиб, кечалари илм ўрганган ва етук уламо, тилшунос, халқ табиби, маънавият жонкуяри бўлиб етишган Суярохон тўра Абу Муҳаммад Махбубий тахаллуси билан «Тиб ул-Махбуб», «Устоди аввал», «Шифо, оят, дуо, қасидалар хислати», «Далил ҳайрот», «Насихатлар», «Никоҳ ва талок ҳақида рисола», «Одоб-ахлоқ ҳақида рисола», «Юз бир ҳадис ва намоз фойдаси», «Қизларга 312 насиҳат», «Илхом ур-раҳман фи аҳком ил-ислом», «Намоз – жаннат посбони дўзах қалқони», «Сўфий Оллоёрнинг «Сабот ул-оғзин» китобига

шарх» каби номларда 20 дан ортиқ рисолалар яратди.

Ўтган асрнинг 60-70-йилларида ислом динига қанчалик таъқиқ бўлмасин, тўра дада юртдошларига илм улашди, инсонийлик одоб-ахлоқларини ўргатди. Яна бир фазилатини – суҳбатдошларига қалампир-мунчоқ улашгани канида қилмасди. У умрининг охиригача табиблик билан ҳам шуғулланган.

Маърифатда комил, шариятда қоим, тарикатда мустақим, табобатда ҳозик Суярохон тўрадек зоти муборақнинг ибратли амалларини фарзанди Муҳаммад Асилхон ҳожи Исаев давом эттириб келмоқда.

Муҳаммад Асилхон падари бузуқворни Суярохон тўрага турли шифобахш гиёҳ ва ноз-неъматлардан дори-дармон тайёрлашда, табобатга доир қадимий қўлёзмаларни тўплаш, улардан амалий фойдаланишда кўмаклашган. Отасидан диний ва дунёвий билим олган. У Куръонни каримни тўлиқ ёдлаб, «мураттаб» (ҳамда мужавид) қорни мақомига сазовор бўлган. Шу билан бирга, касб-ҳунар, тadbиркорлик, фиқҳ ва халқ таъбаоти илмларини ўрганган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари тақлифи билан Муҳаммад Асилхон Исаев Имом Бухорийи номидagi Ислом олий маъҳадида катта ўқитувчи сифатида илми толибларга қироат ва таъжид

(Куръон ўқиб қоидалари)дан дарс берди. Диний таълимнинг етук билимдонлари Абдурашид қори Бахромонов, Салоҳиддин қори Муҳиддинов, Шаҳобиддин хожи Парпиев, Алихон тўра Соғунийнинг содиқ шоғирди Дўстмуҳаммад Насриддинов, самарқандлик Аҳмадхон, наманганлик Зокирхон каби маърифатпарвар домлалар билан бирга ишлаш насиб этди.

Муҳаммад Асилхон Исаев ота изидан бориб, табобат-ла машғул бўлиш борбарарида, унинг илмий меросларини тарғиб қилиш, чоп эттириш билан ҳам шуғулланиб келмоқда. Жумладан, Суярохон тўра даданин ҳаётлари ва фаолиятлари ҳақида «Бир умр достони», «Ёзёновлик Суярохон тўра» рисолалари, «Тиб ул-Махбуб» асарининг 1 ва 2-нашрлари китоб-хонлар қўлига теғди. Куръон таржимаси, қисқача тавсифи бўйича битилган китоб нашрга рухсат олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитага тақдим этилди. Хонобод қишлоғи қабристонида муҳташам макбара бунёд этилди.

Муҳаммад Асилхон Тўра даданингу мухлислари бутун республикамиз ҳудудига, ҳатто қўшни давлатларнинг Ўш, Жалолобод, Боткен, Сўғд вилоятларида ҳам бисёр. Ҳаммалари қишин-ёзин зиёратга – ундан дуо олиш учун Ёзёновга ошиқади.

Азимжон ХУДОЙКУЛОВ.

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalariga tahririya	2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.	Газета «Полиграф-пресс» МЧЖ босямонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да 3128 нусхада чоп этилди. Бюрогма: 73.
Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ	Газета жума куни чиқади. ★ Баҳоси келишилган нарҳда. ★ Навбатчи муҳаррир: Муаттар Махмудова.	

ЎҚУВЧИЛАР ТАНЛОВДА ҒОЛИБ БЎЛИШ

Фарғона туманидаги 26-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари пойтахтимизда бўлиб ўтган «Tashkent music festival» халқаро танлови ғолиби бўлишди.

Дунё халқлари ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, мусиқа санъати анъаналарини асраш, ривожлантириш, маданият ва санъатнинг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш мақсадида ўтказилган танловда мактабнинг хореография бўлими «Гулдаста» рақс жамоаси, фортепиано синфи ўқувчилари Диана Назирова, Рухона Акбаровва, эстрада ва академик хондаллик йўналиши ўқувчиси Азизбек Султонов, театр санъати сирларини ўрганаётган Сардор Раҳматжонов, Огабек ва Дийрбек Турсуналиевлар фаол иштирок этишди. Уларнинг истеъдоди, бадийи чқишлари юқори баҳоланди.

– Танловда ўқувчиларимиз эришган ютуқ Эркиной Хасанова, Комила Ҳақназарова, Бекзод Жумабоев, Отабек Сотволдиев каби ўқитувчиларнинг самарали фаолияти натижасида, – дейди мактаб директори Жамшидбек Абдулпаттаев.

Мактаб ярим асрдан ортик вақт мобайнида минглаб ёш иқтидор эгаларига қанот бўлиб келмоқда. Айни кунда муассасада 251 нафар истеъдодли ўқувчилар мусиқа ва санъат сирларини ўрганишмоқда.

Маҳиёра БОЙБОБОВА.



ОСИЁ КУБОГИ - 2023

ЧОРАК ФИНАЛ ЖУФТЛИКЛАРИ АНИҚ БЎЛДИ

Қатарда ўтаётган Осиё кубоги мусобақасида плей-оффа чикқан 16 жамоа ўртасидаги барча учрашувлар якунига етиб, чорак финалга чиққан 8 та терма номи аниқ бўлди.

1/8 финалда мамлакатимиз футболчилари Таиланд давлати жамоасига қарши тўп суриди. Бу терма ҳам худди Ўзбекистон каби гуруҳ босқичида 5 очко ҳамғариб, иккинчи ўринни эгаллаган эди. Бу жиҳатларни инобатга олганда, кучлар деярли тенг бўлиб, мухлислардан тортиб, футбол мутахассисларигача уйин натижасини омад ҳал этишини башорат қилишганди.

«Ал-Жануб» стадионида ўтган учрашувда юртдошларимизнинг ғалабага бўлган ишончи юқорилиги, қолаверса, тажриба ва маҳоратда рақибларга нисбатан устунликлари яққол кўзга ташланди. Ҳисоб 3:7 дақиқада очилди. Фарғоналик ярим ҳимоячи Дийр Холматов узатган тўпни яна бир ярим ҳимоячимиз Азиз Турғунбоев рақиблар дарвоза-

сига аниқ йўллади. Биринчи бўлим 1:0 ҳисобида яқунланди.

Хал қилувчи бўлимнинг 58-дақиқасида захирадан майдонга тушган таиландлик Сарачат Супачок ҳисобни тенглаштирди. Орадан 7 дақиқа ўтиб, Аббосбек Файзуллаев Ўзбекистон терма жамоасини олдинга олиб чиқди – 2:1.

Малайзиялик Муҳаммад Назми бин Насаруддин бош ҳакамлик қилган ўйиннинг асосий вақти ва қўшимча дақиқаларда ҳисоб ўзгармай қолди ва терма жамоамиз чорак финалга йўланма олди.

Эслатиб ўтамиз, нимчорак финал ўйинларида Австралия – Индонезия – 4:0, Тожикистон – Бирлашган Араб Амирликлари – 1:1 (пенальтилар бўйича 5:3), Ироқ – Иордания – 2:3, Қатар – Фаластин – 2:1, Саудия Арабистони – Корея Республикаси – 1:1 (пенальтилар бўйича 2:4), Баҳрайн – Япония – 1:3, Эрон – Сурия – 1:1 (пенальтилар бўйича 5:4) натижалари қайд этилиб, ғолиб жамоалар кейинги босқичга чиқди.

Ярим финалда Австралия – Корея Республикаси, Тожикистон – Иордания, Қатар – Ўзбекистон, Япония – Эрон терма жамоалари ўзаро куч сынашди. Ўзбекистон ва Қатар терма жамоалари ўртасидаги учрашув 3 февраль куни соат 20:30 да бўлиб ўтади.

Ўз мухбиримиз.

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темури кўчаси, 28-уй.	Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.	
Саҳифаловчи: Илхомжон Жуманов.	
Босишча топшириш вақти: 18.00. Топширилди: 16.00.	